

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮСУПОВ УЛУҒБЕК ШУКРУЛЛАЕВИЧ

ТИКУВ-ТРИКОТАЖ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН
ЖАРАЁНЛАРНИ БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

08.00.13 – Менежмент (иқтисодиёт фанлари)

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
in economic sciences**

Юсупов Улуғбек Шукруллаевич

Тикув-трикотаж корхоналарида инновацион жараёнларни бошқариш
самарадорлигини ошириш 3

Юсупов Улуғбек Шукруллаевич

Повышение эффективности управления инновационными
процессами на швейно-трикотажных предприятиях 25

Yusupov Ulugbek Shukrullaevich

Improving the efficiency of management of innovative processes at
sewing and knitwear enterprises 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 50

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮСУПОВ УЛУҒБЕК ШУКРУЛЛАЕВИЧ

ТИКУВ-ТРИКОТАЖ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН
ЖАРАЁНЛАРНИ БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

08.00.13 – Менежмент (иқтисодиёт фанлари)

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.PhD/Iqt1864 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)). Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tsue.uz) ва «ZiyoNet» таълим ахборот тармоғида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Йўлдошев Нуритдин Қурбонovich
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ҳошимов Ақром Абдиевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Қазақов Олим Собирович
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент молия институти

Диссертация химояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2020.I.16.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «27» 01 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-43-51, e-mail: tdiu@tsue.uz

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 03 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-43-51, e-mail: tdiu@tsue.uz

Диссертация автореферати 2021 йил «28» 12 кuni тарқатилди.
(2021 йил «28» 12 даги № 1 рақамли реестр баённомаси).


М.П. Эшов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, и.ф.д., профессор


Д.М. Мавлянова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, и.ф.д. PhD


Ш.Дж. Эргашходжаева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар
раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибаси исботлаб бермоқдаки, тикув-трикотаж саноатининг салоҳиятини оширишни аввало, тармоқни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхоналарнинг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият юритаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга ошириш мумкин. «Дунё бозоридаги илмий ҳажмдор маҳсулотларнинг 36 фоизи АҚШ, 30фоизи Япония, 22 фоизи Хитой давлатига тўғри келади. Ҳар бир миллион аҳоли сонига нисбатан илмий тадқиқот ишлари билан банд бўлганлар сони бўйича 1-ўринда Исроил 8250 нафар, 2-ўринда Жанубий Корея 7113 нафар, 3-ўринда эса Япония 5210 нафарни ташкил этади»¹. Бу эса, самарали инновацион бошқарув тизимини шакллантириш ва ривожлантириш сингари муҳим масалаларни ҳал этиш заруратини келтириб чиқаради.

Жаҳонда иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида саноат корхоналарида инновацион жараёнларни бошқариш бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотларда бошқарувнинг замонавий услубларини қўллаш, янги технологияларни жорий этиш, янги инновацион маҳсулот турларини яратиш, замонавий юқори самарадорликка эга машина ва дастгоҳларни, янги техникани қўллаш ва уларни бошқариш самарадорлигини оширишга йўналтирилган илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Амалга оширилаётган изланишларда тикув-трикотаж саноати корхоналарида фан-техника сиғими юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш, инновацион жараёнларни бошқариш иқтисодий самарадорлигини оширишнинг назарий-услубий асосларини ишлаб чиқиш илмий тадқиқотнинг устувор йўналишлари ҳисобланади.

Ўзбекистон инновацион ривожланиш турининг ҳозирги замон моделига ўтиши учун ҳамма зарур шароитларга эга. Бу модель вужудга келтирилган илмий-техник салоҳиятдан кенг ва самарали фойдаланиш, фундаментал ва амалий фаннинг ютуқлари, чуқур илмталаб технологияларни кенг жорий этиш, юқори малакали, иқтидорли илмий кадрлар сонини кўпайтиришга асосланади. Бу жараён мамлакатимиз жаҳондаги иқтисодиёти ва саноати ривожланган давлатлар қаторига кириб боришининг зарур шarti ва мустаҳкам пойдевори сифатида хизмат қилади. Тикув-трикотаж саноатининг аҳолининг кенг истеъмол товарларига эҳтиёжини қондиришдаги муҳим аҳамиятига қарамай, уни инновацион ривожлантиришнинг кўпгина назарий ва амалий жиҳатлари етарли даражада ўрганилмай қолмоқда.

Бу борада тармоқда инновацион жараёнларни бошқариш масалалари етарлича тадқиқ этилмаган. Мазкур вазифаларнинг самарали ижроси халқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири бўлган тикув-трикотаж саноатини

¹ <https://www.worldbank.org>

ривожлантиришнинг модернизациялаш шартларига жавоб берувчи инновацион жараёнларни самарали бошқариш тизимини такомиллаштиришни талаб этади.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сонли «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 22 январдаги 5308-сонли «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги фармонлари, 2016 йил 21 декабрдаги ПҚ-3682-сонли «2017-2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарори, 2018 йил 28 апрелдаги ПҚ-3697-сон «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2018 йил 8 майдаги ПҚ-3698-сонли «Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, ПҚ-4453-сонли «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, 2019 йил 12 февралдаги ПҚ-4186-сонли «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ-4453-сонли «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 5 майдаги ПҚ-5989-сонли «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 11 сентябрдаги 721-сонли «Инновацион фаолиятни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Саноат корхоналарида инновацион-инвестицион жараёнларни бошқариш ва самарадорлигини оширишга қаратилган муаммолар маҳаллий ва хориж олимлари илмий асарларида кенг ёритилган. Бу борада Л.Кркоса, Х.П.Ланкес, К.Мейер, Т.Моран, Х.Томанн ва бошқа хорижлик олимларнинг илмий ишларини кўрсатиб ўтиш мумкин².

² Moran T. «Foreign Direct Investment and Development: The new policy agenda for developing countries and economies in transition». Washington, DC. 1998; Lankes H.P. and Venables A.J., «Foreign Direct Investment in

МДХ олимлари А.Н.Болдарев, А.А.Бовин, А.Г.Иваненко, Е.А.Лаптева, А.Н.Оголева, Р.А.Фатхутдинов, Н.М.Цицарова, Л.Е.Чередникова, В.Я.Якимович ва бошқаларнинг асарларида ҳам инновацион жараёнларни бошқаришга нисбатан назарий ва услубий масалалар тадқиқ қилинган³.

Инновацион-инвестицион жараёнларни ривожлантиришга қаратилган илмий тадқиқотлар ўзбекистонлик олимлар Х.Амонов, Н.Йўлдошев, Н.Каримов, Н.Махмудов, Ш.Мажидов, Н.Обломуродов, У.Шодмонова, Д.Ғозибеков ва бошқалар, минтақаларда инвестицион фаолликни ошириш муаммолари эса Б.Т.Байханов, К.Қ.Исмаилова, Л.Р.Шаюсупова ва бошқа олимларимизнинг илмий тадқиқотларида баён этилган⁴. Шу билан бирга мазкур илмий тадқиқот ишларида енгил саноатнинг етакчи тармоқларидан бўлган тикувчилик-трикотаж тармоғида инновацион жараёнларни бошқариш самарадорлигини ошириш масалалари етарлича тўлиқ ўрганилмаган.

Тадқиқ этилаётган масаланинг етарлича тўлиқ ўрганилмаганлиги, Ўзбекистон тикувчилик-трикотаж тармоғида иқтисодийни модернизациялаш шароитида инновацион жараёнларни бошқаришни такомиллаштириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш зарурлиги диссертация мавзусининг мақсад ва вазифалари доирасини белгилаб берди.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тошкент давлат иқтисодий университетининг илмий тадқиқот ишлари режаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон тикув-трикотаж корхоналарида инновацион жараёнларни бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича илмий-услубий ёндашув ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

инновацион жараёнларнинг иқтисодий моҳиятини ифодалаш;

Economic Transition: the Changing Pattern of Investments». *Economics Transition*, 1996, Vol. 4, No. 2, pp. 331 - 347.; Meyer K., «Foreign Direct Investment in Economies in Transition». Cheltenham, England. 1998; Krkosa L. FDI financing of capital formation in Central and Eastern Europe, London. EBRD working paper number 67, 2001.; Томанн Х. Прямые иностранные инвестиции в переходные период экономики. – Берлин, Германия, 2004.

³Болдарев А.Н. Управление инвестициями в создание и развитие инфраструктуры с использованием государственного партнерства (на примере морских портов) – М., 2000.; Иваненко А.Г. Инновационный менеджмент: учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2009.; Инновационный менеджмент: учеб. пособ. /Под ред. Л.Н. Оголевой. – М.: ИНФРА-М, 2008.; Лаптева Е.А. Развитие методов оценки инновационного потенциала промышленных предприятий: автореферат дис...к.э.н. – Саратов, Россия.: Саратовский государственный технический университет имени Ю.А.Гагарина, 2014, 28 с.; Фатхутдинов Р.А. Инновационный менеджмент: Учебник для вузов. 6-е изд. – СПб.: Питер, 2008, 448 с.; Цицарова М.Н. Инновационный менеджмент: учебное пособие. – Ульяновск: УлГТУ, 2009. -195 с. Бовин А.А., Чередникова Л.Е., Якимович В.Я. Управление инновациями в организации: учеб. пособие. – М.: Омега-Л, 2006.-415 с.

⁴ Ғозибеков Д. Инвестицияларни молиялаштириш муаммолари. Банк-молия академияси. – Т., 2000.; Каримов Н. Ўзбекистон Республикаси иқтисодийига қўйиладиган хорижий инвестициялар ва уларнинг молиявий таъминланиши. Банк-молия академияси. – Т., 1998.; Амонов Х. Хорижий инвестицияларни хусусийлаштириш шароитида жалб қилиш. Банк-молия академияси. – Т., 2002.; Шаюсупова Л.Р. Ўзбекистон Республикасида телекоммуникация соҳасининг ривожига хорижий инвестицияларни жалб қилиш. – Т.: Иқтисодий институту, 2001.; Исмаилова К.Қ. Ўзбекистонда инвестиция бозори ва уни такомиллаштириш йўллари. – Т.: Иқтисодий институту, 2003.; Байханов Б.Т. Тўқимачилик саноати корхоналарида инвестициядан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш жараёнларини моделлаштириш. Дисс. и.ф.н., 2010.; Маджидов Ш.А. Повышение эффективности инвестиционной деятельности в шелковой промышленности. Авт.дисс. к.э.н. Институт Экономики АН Узб., 2010.

тикув-трикотаж корхоналарида инновацион жараёнларни бошқаришнинг тармоққа хос хусусиятларини тадқиқ этиш;

тикув-трикотаж корхоналарида инновацион жараёнларни бошқариш самарадорлигини баҳолашнинг услубий жиҳатларини тадқиқ этиш;

тикув-трикотаж корхоналарининг ташкилий-техник даражасини таҳлил қилиш;

тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналарини ривожлантириш дастурлари ва уларнинг инновацион фаолиятини бошқариш вазибаларини асослаш;

инновацион фаолиятни бошқариш бўйича ривожланган мамлакатлар тажрибасини тадқиқ этиш;

тикувчилик корхоналарининг ассортимент сиёсатини тадқиқ этиш асосида маҳсулот турларини оптималлаштириш моделини ишлаб чиқиш;

тикув-трикотаж корхоналарида инновацияларни татбиқ этиш тизимини такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

тикув-трикотаж корхоналарининг ташкилий-техник даражасини оширишнинг асосий йўналишлари бўйича илмий асосланган амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибидаги тикув-трикотаж корхоналари, хусусан «ASAKATEKSTIL» МЧЖ, «NAZ O'RMA» МЧЖ ва «LAB – ANVAR» ХК фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предметини иқтисодийти модернизациялаш шароитида тикув-трикотаж корхоналаридаги инновацион жараёнларни ташкил этишда юзага келувчи ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида расмий-манتيкий, операцияларни тадқиқ этиш, сабаб-оқибат боғланишларини аниқлаш, математик моделлаштириш, иқтисодий таҳлил, тизимли ва қиёсий таҳлил, статистик гуруҳлаш, таққослаш, таснифлаш, SWOT-таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тикув-трикотаж корхоналарида «енгиллаштирилган» трикотаж матоларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш орқали қўшимча ишлаб чиқарилиши мумкин бўлган маҳсулотлар сони, иқтисод қилинувчи трикотаж матоси ҳамда олинадиган фойда миқдори ҳисобига эришилувчи иқтисодий самарани баҳолаш усуллари ишлаб чиқилган;

жуфт корреляция коэффициентлари матрицаси орқали тикув оқимининг ташкилий-техник даражасини тавсифловчи, оқим ишчиларининг механизациялашган меҳнат билан қамраб олиниш даражаси ҳамда яримавтомат ва автоматларда бажарилган иш усулларига сарфланган вақтнинг умумий сарф вақтига нисбатан улуши билан меҳнат унумдорлиги ўртасидаги боғлиқлик баҳоланган;

«LAB – ANVAR» хусусий тикувчилик корхонасида ишчиларнинг механизациялашган иш билан бандлик даражасини 0,72 дан 0,76га ҳамда технологик конструкцияларни жалб этиш даражасини 0,4 етказиш ҳисобига

меҳнат унумдорлигини 5 %га, маҳсулот рентабеллигини 1,6 %га ошириш ички имконияти мавжудлиги асосланган;

тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини инновацион-инвестицион ривожлантириш давлат дастури лойиҳаларини тадқиқ этиш асосида тармоқ маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг 2025 йил истиқбол кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тикув-трикотаж корхоналарида инновацион жараёнларни бошқаришнинг тармоққа хос хусусиятлари асосланган;

тикув-трикотаж корхоналарининг ассортимент сиёсатини тадқиқ этиш асосида маҳсулот турларини оптималлаштириш модели ишлаб чиқилган;

тикув-трикотаж корхоналарини ривожлантириш дастурлари ва уларнинг инновацион фаолиятини бошқариш вазифаларини асосланган;

тикув-трикотаж корхоналарида инновацияларни татбиқ этиш тизимини такомиллаштириш йўллари белгилаб берилган;

тикув-трикотаж корхоналарининг ташкилий-техник даражасини оширишнинг устувор йўналишлари асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги иқтисодчи олимларнинг инновацияларни бошқариш бўйича илмий-амалий фикрларини қиёсий таҳлил қилиш, тадқиқот жараёнида қўлланилган услубий ёндашув ва усулларнинг асосланганлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, шунингдек, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, тикув-трикотаж корхоналарида инновацион жараёнларни бошқариш самарадорлигини оширишга оид ёндашувларнинг ишлаб чиқилиши, инновацион жараёнларнинг тармоққа хос асосий хусусиятлари асослаб берилиши, ассортиментни оптималлаштириш моделининг ишлаб чиқилиши, тикув-трикотаж корхонасининг ташкилий-техник даражасини ошириш бўйича ёндашувларнинг ишлаб чиқилиши иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида тикув-трикотаж корхоналарида инновацион жараёнларни бошқаришнинг илмий-назарий асосларини бойитишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти республикамиздаги тикув-трикотаж корхоналарида инновацион жараёнларни бошқаришнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш, тикув-трикотаж тармоғининг истиқболдаги кўрсаткичларини асослаш ҳамда «Менежмент», «Инновацион менежмент», «Инновациялар ва инвестицияларни бошқариш», «Инновацион менежмент ва тадбиркорлик» фанлари бўйича кейс-стадилар, маърузалар матни, ўқув қўлланмаларни тузишда улардан манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тикув-трикотаж корхоналарида инновацион жараёнларни бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича олинган натижалар асосида:

тикув-трикотаж корхоналарида «енгиллаштирилган» трикотаж матоларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш орқали кўшимча ишлаб чиқарилиши мумкин бўлган маҳсулотлар сони, иқтисод қилинадиган трикотаж матоси ҳамда олинадиган фойда миқдори ҳисобига эришиладиган иқтисодий самарани баҳолаш усуллари бўйича берилган таклиф «NAZ O'RMA» МЧЖ фаолиятига жорий этилган («Ўзтўқимачиликсаноат» -сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида «NAZ O'RMA» МЧЖ корхонасида ишлаб чиқариш харажатларини 14 фоизга қисқартиришга эришилган;

жуфт корреляция коэффициентлари матрицаси орқали тикув оқимининг ташкилий-техник даражасини ифодаловчи, оқим ишчиларининг механизациялашган меҳнат билан қамраб олиниш даражаси ҳамда яримавтомат ва автоматларда бажарилган иш усулларига сарфланган вақтнинг умумий сарф вақтига нисбатан улуши билан меҳнат унумдорлиги ўртасидаги боғлиқликни баҳолаш бўйича ишлаб чиқилган таклиф «ASAKATEKSTIL» МЧЖ фаолиятига жорий этилган («Ўзтўқимачилик-сон маълумотномаси»). Тақдим этилган илмий ишланмалар жорий этилганда корхонада ҳар бир тикув оқимида ташкилий-техник омиллар ҳисобига меҳнат унумдорлигини 3,35 %га, маҳсулот сотишдан олинадиган ялпи фойдани 7798 м.сўмга, маҳсулот рентабеллигини 3,6 %га оширишга эришилган;

«LAB – ANVAR» хусусий тикувчилик корхонасида ишчиларнинг механизациялашган иш билан бандлик даражасини 0,72 дан 0,76 га ҳамда технологик конструкцияларни жалб этиш даражасини 0,4 га етказиш ҳисобига меҳнат унумдорлигини 5 %га, маҳсулот рентабеллигини 1,6 %га ошириш ички имкониятлари мавжудлигини асослаш бўйича берилган таклиф «LAB – ANVAR» ХК фаолиятига жорий этилган («Ўзтўқимачиликсаноат» -сон маълумотномаси). Мазкур ишланмалар асосида корхонада ишлаб чиқарилаётган жами 8та ассортимент бўйича меҳнат сарфини режага нисбатан 24,14 минг соатга қисқартиришга эришилган;

тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини инновацион-инвестицион ривожлантириш давлат дастури лойиҳаларини тадқиқ этиш асосида тармоқ маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг 2025 йил истиқболдаги бўйича берилган таклиф «Ўзтўқимачилик-саноат» уюшмаси фаолиятига -сон маълумотномаси). Натижада 2025 йилгача яратиладиган ишлаб чиқариш қувватларини ип-калава ишлаб чиқариш бўйича 754,3 минг тонна, шунингдек ип, ипак газлама ҳажмини 1193,56 млн.кв.м., трикотаж матоси ишлаб чиқаришни 464,0 минг тонна, тикувчилик-трикотаж маҳсулотларини 3450,4 млн. дона ва пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришни эса 207,8 млн. жуфтга ошириш мақсадга мувофиқлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 11 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан 5 та мақола (3 таси

республика, 2 таси хорижий журналларда), 13 та конференция тезиси нашр этилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Тикув-трикотаж корхоналарида инновацион жараёнларни бошқаришнинг назарий-услубий асослари»** деб номланган биринчи бобда инновацион жараёнларни бошқаришнинг илмий-назарий масалалари тадқиқ этилган, тикув-трикотаж корхоналарида инновацион жараёнларни бошқаришнинг тармоққа хос хусусиятлари, самарадорлигини баҳолашнинг услубий жиҳатлари асосланган ҳамда тикув-трикотаж маҳсулотлари ассортиментини оптималлаштириш модели ишлаб чиқилган.

Иқтисодиётимизда тубдан амалга оширилаётган ўзгаришлар ҳамда улар билан боғлиқ қимматли қоғозлар, капитал, меҳнат ва инновациялар бозорининг шаклланиши саноат корхоналаридан нафақат ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг янги шакл ва турларини жорий этиш, балки фан-техника ютуқларини татбиқ этиш механизмининг ҳам қайта кўриб чиқишни талаб этмоқда.

Муаллиф томонидан бундай муаммони тадқиқ этишда хориж ва республикамиз иқтисодчи олимлари томонидан инновациялар, инвестицияларни бошқариш борасидаги яратилган илмий адабиётлар қиёсий таҳлил қилинди. «Инновацияларни бошқариш» ва «инновацион бошқарув» тушунчаларининг ўзаро фарқланишига аниқлик киритишга ҳаракат қилинган. Инновацион жараёнлар ва уларни бошқариш самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар тадқиқ этилган.

Тадқиқот ишида трикотаж ишлаб чиқаришнинг бошқа ишлаб чиқариш соҳаларига нисбатан ривожланиш истиқболлари кенглиги, тармоқнинг ўзига хос хусусиятлари асосланган. Трикотаж-тикувчилик корхоналарида тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда инновацион жараёнларни оқилона бошқариш, хомашёдан самарали фойдаланиш корхонада қўшимча ишлаб чиқариш қувватларини жалб этмай, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ошириш, сифатни яхшилаш ва меҳнат унумдорлигини ошириш имконини бериши асосланган (1-расм).



1-расм. Тикув-трикотаж маҳсулотларининг тармоққа хос хусусиятлари⁵

Муаллифнинг фикрича, трикотаж саноати корхоналарида «енгиллаштирилган» трикотаж матолари, яъни маҳсулот бирлигига тўғри келувчи хомашё сарфини қисқартириш имконини берувчи янги технологиялар ва тўқима турларини жорий этиш корхонанинг ишлаб чиқариш самарадорлиги, шунингдек иқтисодий ва молиявий барқарорлигини таъминлаш омилларидан ҳисобланади.

Тадқиқот ишида тикув-трикотаж корхоналарида «енгиллаштирилган» трикотаж матоларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш орқали қўшимча ишлаб чиқарилиши мумкин бўлган маҳсулотлар сони, иқтисод қилинувчи трикотаж матоси ҳамда олинадиган фойда миқдори ҳисобига эришилувчи иқтисодий самарани баҳолаш усуллари тавсия этилган:

1-усул:

амалдаги технология бўйича ва енгиллаштирилган трикотаж ишлаб чиқариш технологияси бўйича ишлаб чиқаришни ташкил этишда маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга хомашё сарфи аниқланади;

бир хил ҳажмдаги (кг ҳисобида) хомашёдан 2 хил технология қўлланганда ишлаб чиқарилиши мумкин бўлган трикотаж маҳсулотлари сони аниқланади;

⁵ Муаллиф ишланмаси.

икки хил технология қўлланганда, ишлаб чиқарилган трикотаж маҳсулотлари сонини уларнинг улгуржи баҳосига кўпайтириш орқали товар маҳсулоти қиймати аниқланади;

икки хил технология қўлланганда корхонанинг фойдаси ва улар ўртасидаги фарқ аниқланади;

икки хил технология қўлланганда маҳсулот рентабеллиги ҳамда корхона рентабеллигининг ўзгариши аниқланади.

2-усул:

амалдаги технология бўйича ва энгиллаштирилган трикотаж ишлаб чиқариш технологияси бўйича ишлаб чиқаришни ташкил этишда маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга хомашё сарфи аниқланади;

икки хил технология қўлланганда маҳсулот бирлигининг таннархи аниқланади;

таннарх кўрсаткичлари ўртасидаги фарқ аниқланади;

маҳсулот бирлиги таннархидаги тежамни йиллик ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сонига кўпайтириш орқали энгиллаштирилган трикотаж ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини қанчага камайитиришга эришилганини аниқлаш мумкин.

3-усул:

тавсия этилаётган бу усулда амалдаги ва энгиллаштирилган трикотаж ишлаб чиқариш технологияси бўйича ишлаб чиқаришни ташкил этилганда маҳсулот бирлигининг ишлаб чиқаришга хомашё сарфи аниқланади. Сўнгра бир хил миқдордаги трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган трикотаж матосининг миқдори аниқлаб олиниб, маҳсулот бирлигига хомашё сарфини қисқартириш ҳисобига иқтисод қилинган хомашё миқдорини аниқлаш мумкин.

Муаллиф томонидан мазкур ёндашувлар «NAZ O'RMA» МЧЖ корхонасига жорий этилганда, корхонада ишлаб чиқариш харажатларини 14 фоизга қисқартиришга эришилган.

Тадқиқотда тикув-трикотаж корхоналарида тикув потокларининг ташкилий-техник даражаси, жумладан техник, технологик даражаси ва меҳнатни ташкил қилиш даражасини миқдорий ифодаловчи якка кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилган. Тикув оқимининг ташкилий-техник даражаси билан меҳнат унумдорлиги ўртасидаги боғлиқлик даражасини баҳолаш мақсадида жуфт корреляция коэффицентларини аниқланган.

Юқорида асосланган омилларни ҳисобга олган ҳолда, муаллиф томонидан корхонада ташкилий-техник тадбирларни жорий этиш режасининг фойда миқдорини ошириш мезони бўйича мақсад функцияси тузилган.

$$L(x) = \sum_{i=1}^n \sum_{j=1}^m P_i X_{ij} \rightarrow \max \quad (1)$$

Бу мақсадни амалга оширишда корхонадаги хомашё турлари бўйича захиралар миқдори чегараланганлиги сабабли, жорий этиладиган

тадбирларни амалга оширишда фойдаланилаётган хомашё турлари бўйича захиралар миқдоридан кичик ёки тенг бўлиши кераклиги кўрсатилган.

$$\sum_{m=1}^n \alpha_{ij} x_{ij} \leq \beta_j, \quad (i=1,n; j=1,m) \quad (2)$$

бу ерда: i – корхонада ташкилий-техник тадбирлар режасида амалга оширилувчи тадбирларнинг тартиб сони ($i=1,n$);

j – ташкилий-техник тадбирлар режаси бўйича амалга оширилувчи тадбирларга сарфланувчи хомашё турлари ($j=1, m$);

P_i – тадбирни режа бўйича тўлиқ амалга оширишда олинадиган фойда миқдори;

A_{ij} – жорий этилаётган i -турдаги тадбирни амалга ошириш учун сарфланувчи j -турдаги хомашё миқдори;

B_j – j -турдаги хомашёнинг захира миқдори

X_{ij} – ташкилий-техник режа бўйича i -турдаги тадбирнинг жорий этилиш қисмига сарфланувчи j -турдаги хомашё миқдори.

Тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда, жуфт корреляция коэффицентлари матрицаси орқали тикув оқимининг ташкилий-техник даражасини тавсифловчи, оқим ишчиларининг механизациялашган меҳнат билан қамраб олиниш даражаси ҳамда яримавтомат ва автоматларда бажарилган иш усулларига сарфланган вақтнинг умумий сарф вақтига нисбатан улуши билан меҳнат унумдорлиги ўртасидаги боғлиқлик асосланган.

Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган мазкур ёндашувлар «ASAKATEKSTIL» МЧЖ фаолиятига жорий этилганда корхонада ҳар бир тикув оқимида ташкилий-техник омиллар ҳисобига меҳнат унумдорлигини %, маҳсулот сотишдан олинадиган ялпи фойдани 7798 м.сўм ва маҳсулот рентабеллигини 3,6 %га оширишга эришилган.

Тадқиқотда тикув-трикотаж маҳсулотларининг мода йўналишлари ўзгаришларига жавоб бера олиши кераклигини эътиборга олган ҳолда, корхоналарда амалга оширилаётган инновацион жараёнларда янги тикувчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатувчи омиллар ифодаланган ҳамда корхонада маҳсулот ассортиментини оптималлаштириш зарурлиги асосланган.

Диссертацияда тикув-трикотаж корхоналарида ассортиментни бошқариш ва ишлаб чиқарилувчи маҳсулотлар ассортиментини шакллантиришда таркибий таҳлил усулига асосланган ABC-таҳлилни қўллаш мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидланган. Шу билан бирга, тикув-трикотаж корхоналарида ассортиментни бошқаришда ассортиментни оптималлаштириш бўйича иқтисодий-математик моделлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлиги асосланган.

Муаллиф томонидан ассортиментни оптималлаштириш моделини тузишда максимал фойда олиш имконини берувчи $X_{\nu\mu sj} \alpha$ нинг қийматини аниқлаш асосий мақсад қилиб олинган ҳамда оптималликнинг мазкур мезони мақсад функцияси сифатида ифодаланган:

$$L = \sum_{y=1}^n \sum_{\mu=1}^{r_i} \sum_{s=1}^{P_{\mu}} \sum_{j=1}^{m_s} \sum_{\alpha=1}^1 \Pi_{y\mu s j \alpha} x_{y\mu s j \alpha} \rightarrow \max \quad (4)$$

Муаллиф томонидан тикув-трикотаж корхоналари фаолиятини бошқаришда ассортиментни оптималлаштириш моделини қўллаш корхонада савдо шартномаларида белгиланган ассортиментдаги маҳсулотларни ўз вақтида, режалаштирилган ҳажмда ишлаб чиқариш, шунингдек, корхонада хомашё ва материаллардан самарали фойдаланиш, меҳнат сарфини қисқартириш ҳамда корхона фойдасини ошириш имконини беради деб, хулоса қилинган.

Диссертациянинг «**Тикув-трикотаж корхоналарида инновацион жараёнларни бошқаришни ташкил этиш**» деб номланган иккинчи бобида тикув-трикотаж корхоналарининг ташкилий-техник даражаси тадқиқ этилган, тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарини ривожлантириш дастурлари ва уларнинг инновацион фаолиятини бошқариш ҳамда тикув-трикотаж корхоналарининг ассортимент сиёсати ва маҳсулот турларини оптималлаштириш ҳолати таҳлил қилинган.

Диссертацияда таъкидланишича, бугунги кунда ишлаб турган корхоналарни қайта жиҳозламай ва таъмирламай, уларнинг ташкилий-техник даражасини оширмай, юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш мумкин эмас. Тикув-трикотаж корхоналарини инновацион ривожлантириш дастурида автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимларини жорий этиш, тикув-трикотаж корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этишда маҳсулотларнинг андозаларини жойлаштириш, тўшмадаги газлама бўлақларини ҳисоблаб чиқиш тизимлари, газламаларни бичишга тайёрлаш ва бичиш жараёнларини автоматлаштириш ҳисобига моддий ресурслардан фойдаланишни яхшилаш кўзда тутилади(2-расм).

Диссертацияда тадқиқот объекти сифатида қабул қилинган «LAB - ANVAR» ХК тикув ишлаб чиқаришининг ташкилий-техник даражаси баҳоланган. Корхонанинг ташкилий-техник даражасини ошириш ҳисобига ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имкониятлари аниқланган. Хусусан, корхонада битта тикув оқимида ташкилий-техник омиллар ҳисобига меҳнат унумдорлигини 3,35 %, маҳсулот сотишдан олинadиган ялпи фойдани 7798 м.сўм ва маҳсулот рентабеллигини 1,6 %га ошириш ички имконияти мавжудлиги асосланган. Мазкур ишланмалар асосида корхонада ишлаб чиқарилаётган жами 8 та ассортимент бўйича меҳнат сарфини режага нисбатан 24,14 минг соатга қисқартиришга эришилган.

Муаллиф томонидан тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналарини ривожлантириш дастурлари ва уларнинг инновацион фаолиятини бошқариш ҳолати таҳлил қилинган. 2018-2020 йилларда қиймати 1854,5 млн.долл. бўлган 200 га яқин инвестицион лойиҳалар амалга оширилган. Бу лойиҳаларнинг аксарияти тайёр маҳсулотлар, яъни бўялган ип



2-расм. Тикув-трикотаж корхоналарининг ташкилий-техникавий даражасини белгилаб берувчи асосий омиллар⁶

калава, трикотаж мато, газламалар, трикотаж маҳсулотлари ва тикув маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган (1-жадвал).

1-жадвал

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасида 2018-2021 йилларда инновацион-инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш динамикаси⁷

№	Кўрсаткичлар	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й. режа
1.	Ўзлаштирилган инновацион-инвестицион лойиҳалар сони	60	65	71	85
2.	Инновацион-инвестицион лойиҳалар қиймати, млн.долл. Шу жумладан:	550,7	829,7	474,1	836,3
	Ўз маблағлари ҳисобига	274,5	268,6	136,4	216,5
	Тижорат банклари кредити	262,8	536,7	234,4	140,8
	Хорижий инвестиция ва кредитлар	13,5	24,3	103,3	479,0
3.	Иш ўринлари сони	10654	15568	16855	22820
4.	Инновацион-инвестиция лойиҳалар экспорт салоҳияти, млн.долл.	253,6	377,3	187,4	255,8

⁶ Муаллиф ишланмаси.

⁷ «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Лойиҳалар асосан, корхоналарнинг ўз маблағлари, тижорат банклари кредити ҳамда хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобига молиялаштирилган. Амалга оширилган инновацион-инвестицион лойиҳалар ҳисобига тармоқнинг экспорт салоҳияти 69,8 млн.долларга ортиб, 43077 та янги иш ўрни яратилган.

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси корхоналарида инновацион-инвестицион лойиҳаларни ўзлаштириш ҳисобига экспортбоп ишлаб чиқариш қувватларини оширишга эришилган (2-жадвал).

2-жадвал

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси корхоналарида инновацион-инвестицион лойиҳаларни ўзлаштириш ҳисобига яратилган ишлаб чиқариш қувватлари⁸

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й. режа
1.	Пахта калава ипи	минг тн.	149,2	187,1	124,7	135,5
2.	Бўялган ип	минг тн.	10,0	23,8	5,2	11,1
3.	Трикотаж матоси	минг тн.	13,9	18,5	6,1	34,3
4.	Аралаш толали газлама	минг м	29,4	111,0	35,0	85,1
5.	Тайёр тикувчилик трикотаж маҳсулотлари	млн.дона	28,6	60,8	89,2	176,4
6.	Пайпоқ маҳсулотлари	млн.жуфт	1,5	1,9	6,3	3,0
7.	Бўялган трикотаж матоси	минг тн.	25,2	23,5	21,1	32,5

Лойиҳаларнинг амалга ошиши натижасида 2020 йилда 2018 йилга нисбатан калава ип ишлаб чиқариш ҳажми – 461 минг тн., трикотаж матоси – 38,5 минг тн., тайёр тикувчилик трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш ҳажми 178,6 млн.дона, пайпоқ маҳсулотлари ҳажми 9,7 млн.жуфт, бўялган трикотаж матоси ишлаб чиқариш ҳажми эса 69,8 минг тоннага ортган. Шунингдек, тармоқ учун инновацион маҳсулот ҳисобланган 36 минг тн. бўялган ип, ҳамда 175,4 минг метр аралаш толали газлама ишлаб чиқарилган.

Тадқиқотчи томонидан тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини инновацион-инвестицион ривожлантириш давлат дастури лойиҳаларини тадқиқ этиш асосида тармоқ маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг 2025 йилгача истиқбол кўрсаткичлари ишлаб чиқилган. 2025 йилгача яратиладиган ишлаб чиқариш қувватларини ип-калава ишлаб чиқариш бўйича 754,3 минг тоннага, шунингдек ип, ипак газлама ҳажмини 1193,56 млн.кв.м., трикотаж матоси ишлаб чиқаришни 464,0 минг тонна, тикувчилик-трикотаж маҳсулотларини 3450,4 млн. дона, пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришни эса 207,8 млн. жуфтга ошириш мақсадга мувофиқлиги асосланган.

⁸ «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

**Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини
ривожлантиришнинг 2025 йилгача истиқбол кўрсаткичлари⁹**

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	2025 йилгача яратиладиган ишлаб чиқариш қувватлари
1.	Ип-калава	минг тонна	754,3
2.	Ип, ипак газлама	млн. кв.м.	1193.56
3.	Трикотаж матоси	минг тонна	464,0
4.	Тикув-тўқимачилик маҳсулотлари	млн. дона	3450.4
5.	Пайпоқ маҳсулотлари	млн. жуфт	207,8

Муаллифнинг фикрича, «Ўзтўқимачиликаноат» уюшмаси томонидан қуйидаги йўналишларда инновацион-инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш истиқболли ҳисобланади:

тайёр газламаларни ишлаб чиқариш (джинси газламаси, тукли сочиқбоп матолар, кўйлакбоп газламалар);

тайёр трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш;

тўқимачилик аксессуарлари: зонтиклар, тугмачалар, молниялар ва бошқаларни ишлаб чиқариш;

тўқимачилик дастгоҳлари: тўқув дастгоҳлари, йигирув ишлаб чиқариши учун эҳтиёт қисмлар.

Диссертацияда қайд этилишича, тикув-трикотаж корхоналарида инновацион жараёнларни бошқариш асосан, инновацион инвестицияларни жалб этиш ҳамда янги маҳсулот турларини яратишга асосланган бўлиши керак.

Бугунги кунда уюшма корхоналарида импортнинг ўрнини босувчи маҳсулот турларидан 50 дан ортиғини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. 2020 йили 2017 йилга нисбатан республика ҳудудида четдан келтирилувчи маҳсулотлар ҳажми 95 %га қисқарган. Шу жумладан, фақат трикотаж маҳсулотларидан 100 дан ортиқ турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилган.

Муаллиф томонидан «ASAKATEKSTIL» МЧЖ корхонаси маълумотлари асосида ассортиментни оптималлаштиришнинг иқтисодий-математик модели ишлаб чиқилган ҳамда маҳсулот ҳажмини талаб даражасида режалаштириш, иш вақти фондидан самарали фойдаланиш, меҳнат сарфини камайтириш бўйича мақсад функциялари тузилган. Ассортиментни оптималлаштириш натижасида корхона бўйича тежалган вақт ҳисобига бошқа турдаги маҳсулотларни кўшимча ишлаб чиқариш ва умуман корхонада ишлаб чиқарилган товар маҳсулоти ҳажмини ошириш имконияти мавжудлиги асосланган.

Диссертациянинг «**Тикув-трикотаж корхоналарида инновацион жараёнларни бошқариш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари**» деб номланган учинчи бобида инновацион жараёнларни бошқаришнинг хориж тажрибаси ҳамда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналарининг инновацион фаолиятини давлат томонидан қўллаб-

⁹ Корхона маълумотлари асосида тузилган

қувватлаш ҳолати тадқиқ этилган. Тармоқ корхоналарида инновацияларни татбиқ этиш тизимини такомиллаштириш йўллари, уларнинг ташкилий-техник даражасини ошириш, шунингдек инновацион жараёнларни бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Муаллиф томонидан ривожланган хориж мамлакатларида инновацияларни бошқариш тажрибаси тадқиқ этилган. Тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда, давлатнинг инновацион сиёсати самарали бўлиши учун:

инновацион фаолиятни рағбатлантириш бўйича қонунчилик асосларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш орқали мамлакат иқтисодиётига ихтиролар ва бошқа эришилган янгиликларни самарали татбиқ этиш мақсадида мамлакатнинг мавжуд илмий-техник салоҳиятидан фойдаланиш бўйича давлат корхоналари, турли ташкилотлар ва бошқа тузилмалар фаолиятини ривожлантириш;

технологияни узатиш муаммолари билан шуғулланувчи умумдавлат марказини ташкил этиш;

илғор технологиялардан фойдаланиш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш;

йирик компаниялар, корхоналар, университетлар, академик институтлар, илмий лабораторияларни бирлаштирувчи инновацион инфратузилмани шакллантириш;

иқтисодиёт учун аҳамиятга эга мавжуд ихтиролар, янгиликлар, эришилган ютуқлар тўғрисида маълумотлар бериладиган махсус нашрни жорий этиш мақсадга мувофиқ эканлиги асосланган.

